

БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ МИЛЛИЙ САНЬЯТ СОҲАСИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Ҳамза Атоевич Жўраев

Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада халқ оммасининг маданиятини ошириш, аҳолини ижодкорлик руҳида тарбиялашда мусиқа ва санъат соҳасини ривожлантириш, театрни санъат билан боғлаган ҳолда бутун республика бўйлаб маданий-маърифий муҳитни ташкил қилинганлиги таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: театр, труппа, санъат шўйбаси, пьеса, концерт, халқ уйи, опера, драма, мусиқа.

ABSTRACT

In this article, the observation of the culture of the people, the development of music and art in educating the population in the spirit of creativity, the organization of cultural and educational activities throughout the country related to theatrical art

Keywords: theatre, troupe, art, play, concert, people's house, opera, drama, music.

KIRISH

XX асрнинг бошлари Шарқ дунёсида миллий маданият ва санъат ривожида муҳим босқич бўлди. Жумладан, Туркистон АССР, БХРС ва XXСРда замонавий- миллий ўзбек санъатини шакиллантириш, уни ибрат ва ахлоқ тарбияси обьектига айлантириш, халқнинг маънавий баркамоллигини таъминлаш каби йўналишларда амалий қадамлар қўйилганди. Ф.Хўжаев раҳбарлигига БХСР ҳукумати маданиятнинг оммавий соҳаларидан бири бўлган театр санъати ривожига алоҳида эътибор қаратилди. Халқ маорифи нозирлиги қошида “Сиёсий онг ва билим тарқатиш шўйбаси” мафкура бўлими тузилиб, мазкур бўлим зиммасига, аввало, БХСР вилоятларида “театр туруппалари ташкил этиш ва театр бинолари” қуриш маъсулияти юукланди[1]. Лекин барча мавжуд бўлган қейинчиликларга қарамасдан, республика халқларининг мусиқа санъати ривож топиб, такомиллашиб борди ва меҳнаткаш халқ учун хизмат қилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мусиқа санъатини ўрганишда рус композиторлари Н.Н.Миронов ва Г. Успенискийлар катта ёрдам берди. БХСР жуда кўп қўшиқчи ва мусиқачилар бўлган. Улар энг иқтидорли мусиқачилар бўлиб, Маъруфжон Тошпўлатов, Отағиёс Абдуғани, Ота Жалолиддин Назиров ва Вали Исоевлар; энг машҳур куйчилар эса Бобоқул Файзуллаев, домла Ҳалим Ибодов, Леви Бабахонов ва бошқалар ҳисобланганлар. Бу мусиқачилар дарс бериш ва ишлашни мусиқа мактабларида бирга олиб бориб, турли концертларда иштирок этганлар. БХСР мусиқачиларининг энг ёрқин санъат фаолияти халқ мусиқаси ҳисобланган ва шу билан бирга, турли халқ анъаналари ҳам ривожланган[2]. “Бухоро шашмақоми” ўзбек мақомларининг алоҳида бир шахобчasi бўлса, тожик мақомининг эса асосини ташкил этади. “Хоразм олти ярим мақоми” ва мақомнинг Фарғона-Тошкент йўналиши ўзбек мақоми асосига айланган бўлсада, ўзининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиш тамойиллари, ижро усуслари ва ўрганилиш тарихига эга. Жумладан, уни нотага ёзиб олишнинг ҳам ўзига хос завқли тарихи бор. Аслини олганда, “Шашмақом”ни нотага олиш ҳаракати баъзи мусиқашунослар томонидан XIX асрнинг ўрталарида бошланган эди. Машҳур шоир ва мусиқа илмининг билимдони Комил Хоразмий (1825-1897 й.) ва унинг катта ўғли Муҳаммад Расул Мирзо томонидан Хоразм нотаси ихтиро қилинганди. Бу нота ёзувини яратишда улар танбур пардаларини асос қилиб олгандилар. Юнус Юсуповнинг ёзишича: “Муҳаммад Расул Мирзо отаси Комил ихтиро этган “Шашмақом чизиқлари” ноталарини қоғозга кўчириб чиқди ва уни китоб ҳолига келтирди. Мавжуд бўлган олти мақомга (шашмақомга) Хоразм бастакорлари ярим мақом янги куйлар басталаб, уни “Олти ярим” мақом деб юритганлар[3]”. Табиийки, бу нота тизими мақомларни ўрганишда ўз вақтида катта аҳамият касб этган эди, лекин танбур табулатурасидаги бу тизим ҳозирги нота ёзуви имкониятларига эга бўлмаганлиги туфайли ўша даврда “Шашмақом” мусиқасини ёзиб қолдиришга монелик қилди ва кутилган натижани бермади, бироқ Бухоро шашмақомини ёзиб олиш тарихи нисбатан бошқачароқ кечган бўлса-да, асосан, XX аср давомида воқеликка айланди. Тўғри, унинг айрим парчалари XX аср арафасида ҳарбий копельмейстрлар А.Эйхгорн ва А.Лейсеклар томонидан нотага кўчирилгани ҳақида маълумотлар бор. Лекин унинг нисбатан тўла нусхасининг ilk бор нотага кўчирилишини ташкил этишда қомусий мутафаккир ва оташин миллатпарвар Абдурауф Фитрат ташаббускор ва ташкилотчи сифатида алоҳида қаҳрамонлик кўрсатганлигини ҳамма ҳам билмаса керак. Фитрат 1921-

йилнинг 9-мартида Тошкентдан Бухорога қайтгач, она юртида маориф ва маданият ишлари билан жиддий шуғуллана бошлади. Садр Зиё, Муса Сайджонов каби бир қатор маслакдошлари билан ҳамкорликда илмий жамият тузиб, турли фанларга оид нодир қўлёзмаларни тўплашга киришди.

1922-1923-йилларда Бухоро Ҳалқ Шўролар жумхуриятининг маориф нозири вазифасида ишлаган кезлари бу фаолияти доирасини янада кенгайтирди. Энди у Бухорода Шарқ дорилфунунини ташкил этиш асосларини тайёрлашга киришди. Айни чоғда мамлакат миқёсида умумтаълимни йўлга қўйиш ва бу жараёнга ўқувчиларни оммавий сафарбар этиш тадбирларини амалга ошира борди. Унинг мусиқий таълимни йўлга қўйиш ва, умуман, мусиқий ишларни жонлантириш соҳасидаги ташаббускорлиги алоҳида аҳамиятга молик. Фитрат мусиқий таълимни ва бу соҳадаги тадқиқотларни йўлга қўйишини кўзлаб, Бухоро шаҳрининг Равғангарон гузарида Бухоро ҳукумати томонидан ўзига инъом этилган ҳовли (ҳозир хусусийлаштирилган 8-уй)да ихтисослашган мусиқа мактабини ташкил этди. Бу мактаб “Шарқ мусиқа мактаби” аталиб, европача усулдаги мусиқа мактабидан фарқ қилас, унда таълим жараёни шарқона – устоз-у шогирд сабоқлари асосида қурилган эди. Унга Бухоро ҳукуматининг 1921-йил 10-августдаги фармойиши билан Абдурауф Фитрат директор, домла Ҳалим Ибодов илмий мудир этиб тайинланганди. Мактабда мусиқа таълимини амалга оширишда ўша замоннинг машҳур мақомдонлари Ота Жалол Носир ўғли, Ота Ғиёс Абдуғани ўғли, Левича (Леви Бобохонов), Абдураҳмон Умаров ва Маъруфжон Тошпўлатов каби устоз санъаткорлар жалб этилди.

МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Кейинчалик шу устозлардан сабоқ олган Шарқ мусиқа мактаби талabalari сафидан моҳир мақомхонлар Шоҳназар Соҳибов, Фазлиддин Шахобов, Борух Зикриев ва забардаст бастакорлар Мухтор Ашрафий, Мутал Бурхоновлар этишиб чиқишиди. Абдурауф Фитрат Шарқ мусиқа мактабида таълимни ташкил этиш жараёнида яна бир ҳақиқатни англаб етди – асрлар давомида ҳалқ даҳоси билан яратилган Бухоро шашмақомини шу устозлардан ёзиб олиш ва абадийлигини таъминлашни кечиктирмаслик зарур. Шу хусусда шогирди, ўша вақтдаги БХШЖ ҳукумати раиси Файзулла Хўжаевга мурожаат қиласа, унинг кўнглида ҳам шу фикр безовталик уйғотаётганини билиб, ўзаро фикрдошлиқда бу масалага ечим топиш тадбирини кўришга киришдилар. Ниҳоят, улар ўзаро келишиб, ўша даврнинг етук мусиқашуноси, таниқли этнограф Виктор Александрович

Успенскийга мурожаат қилишга қарор қилдилар. Бу ҳақда мақомшунос О.Матёқубов шундай ёзади: “Бунда Фитратнинг узоқ мақсадларини кўзловчи доно раҳбар эканлиги яна бир карра намоён бўлади. Шашмақомни ўрганиш ва ёш авлодга ўқтиришдан асосий мақсад ўзбек мусиқаси истиқболини эски мумтоз анъаналарга бевосита боғлаш ҳамда янги мусиқий тафаккурни барпо этишда миллийликни устувор йўналиш этиб белгилаш, ота-боболар меросига нисбатан ҳурмат ва эътиборни ўз жойига қўйиш эди”. Шуни мамнуният билан қайд этиш жоизки, гарчи В.А.Успенский рус мусиқий анъаналари руҳида сабоқ кўриб шаклланган эса-да, бу ишга жиддият ва ғайрат билан киришди. Бунда Фитрат шашмақом куйларини нотага ёзиб олиш ишларини қўйидагича ташкил этишни йўлга қўйди: шарқ мусиқа мактабининг муаллими Ота Жалол бошчилигига навбатма-навбат шашмақом шўйбаларига оид у ёки бу куйни доира ва танбур жўрлигига ижро этишган. В.Успенский уни нотага қўчириган, сўнгра, шу ёзиб олинган куйни, албатта, фортепианода чалиб берган. Ота Жалол бошчилигидаги нуфузли ҳайъат назоратида маъқулланганидан кейингина нашр этишга тавсия этишган. Шашмақомнинг нотага қўчирилиши жараёнини тезлаштириш, шу билан бирга, жозибали ҳамда мукаммал ёзиб олинишини кўзлаб, Фитрат ўз уйида ҳафтада бир марта Ота Жалол бошчилигидаги Ота Ғиёс Абдуғани, домла Ҳалим Ибодов, Левича, Абдураҳмон Танбурий (Умаров), Маъруфжон Тошпўлатов ва бошқалардан иборат мақомхонлар иштирокида мусиқа базми уюштириб турган. Базмда ижрочилар ёзиб олинган асарлар сифатини мухокама қилишган, созандалар хушҳол кайфиятда у ёки бу куйни қайта-қайта ижро этишган. Улар ижронинг аниқлиги, тиниклиги ва жозибасига аҳамият беришганки, бу В.Успенскийга шашмақомга хос сир-у синоатни чуқурроқ ва теранроқ англашга, Фитратга эса унинг назарий асосларини идрок этиш ва таҳлил қила боришга имконият яратган. Кейинчалик Фитратни бадном этувчилик учун бу базмлар маъломат тошларига айланган эса-да, ҳар қалай худди шу базмлардаги бевосита ижро жараёнида Бухоро шашмақомини ilk бор нисбатан тўла ҳажмда ёзиб олиш ва нотага қўчириш таъминланган эдик, бу улуғ мутафаккирнинг ўзбек миллий мусиқасини келажак авлодларга етказишда нечоғли фидойилик кўрсатганлигини яққол тасдиқлади.

Бу ҳақда Фитратнинг ўша вақтдаги шахсий котиби бўлган шарқ мумтоз адабиётининг билимдони, бухороликлар орасида домла Изомий номи билан танилган Гуломжон Изомов хотираларидағи қуйидаги баҳо эътиборлидир: “Халқимизнинг бебаҳо бойлиги бўлган “Шашмақом”ни кейинги авлодга етказиш мақсадида

Файзулла Хўжаев ва Абдурауф Фитрат ўша даврда Ўрта Осиё халқлари мусиқа меросини ўрганиш учун Туркистон ўлкасига келган москвалик машхур мусиқа этнографи В.А.Успенскийни Бухорога таклиф этишади. Уни кекса мақомдонлар Бобо Жалол ва Бобо Ғиёслар билан таништириб, улар ижросида Бухоро шашмақомининг тўла нусхасини нотага ёзиб олишни ташкил этишади. В.А.Успенский бу машаққатли вазифани 1923-йилда бошлаб, 1924-йилда А.Фитрат ва Н.Миромоновлар таҳрири остида Москвада нашр эттиради. Ф.Хўжаев Успенскийнинг хизмат ҳақини соғ Бухоро олтини билан тўлади”. Бухоронинг “соғ олтини” баҳосида бунёд этилган бу китоб “Шашмақом” (“Олти поэма”) номи билан чоп этилган бўлиб, олти мақомнинг ҳар бири ўзига хос ички гуруҳланиш тартибида берилган: “Бузрук” шашмақомининг биринчи ва бошловчи мақоми бўлиб, мушкилот ва ашула бўлимини ифодаловчи наср қисмларидан иборат. Мушкилот қисмида: 1. Тасниф; 2. Таржеъ; 3. Гардун; 4. Мухаммас; 5. Мухаммаси Насруллои; 6. Сақили Ислим; 7. Сақили Султон – жами етти қуй. Наср қисмида эса: 1. Сараҳбор; 2. Тароналари: I, II, III, IV, V – жами 5 та; 3. Талқини уззол; 4. Тароналари: I, II – жами 2 та; 5. Насруллои; 6. Тароналари: I, II, III, IV – жами 4 та; 7. Насри уззол; 8. Супориш жами 17 қуй нотаси берилган. Бутун мақом 23 шўъба ҳолатида. “Рост” – иккинчи мақом бўлиб, мушкилот, наср ва уфор қисмларидан иборат. Бунда мушкилот: 1. Тасниф; 2. Гардун; 3. Мухаммас; 4. Мухаммаси ушшоқ; 5. Мухаммаси панжгоҳ; 6. Унда “Таржеъ” шўъбаси йўқ, бинобарин, барчаси 7 куйдир. Наср қисми эса: 1. Сараҳбор; 2. Тароналари: I, II, III, IV – жами 4 та; 3. Талқини ушшоқ; 4. Таронаси; 5. Ушшоқ; 6. Тарона; 7. Сабо; 8. Талқинча; 9. Супориш каби жами 12 куйдан таркиб топган бўлса, уфор қисми биргина шу номдаги куйдан иборат. Демак, бутун мақом 20 қуй атрофида. “Наво” – “Шашмақом”нинг учинчи мақоми бўлиб, мушкилот, наср ва уфор қисмларидан иборат. Мушкилот қисми: 1. Тасниф; 2. Таржеъ; 3. Гардун; 4. Нақши ораз; 5. Мухаммас; 6. Мухаммаси баёт; 7. Мухаммаси Ҳусайнин; 8. Сақил каби жами 8 қуй тарзида берилса, наср қисми: 1. Сараҳбор; 2. Тароналари: I, II, III – жами 3 та; 3. Талқинча баёт; 4. Тароналари: I, II – жами 2 та; 5. Баёт; 6. Тароналари I, II, III – жами 3 та; 7. Ораз; 8. Тароналари: I, II, III, IV – жами 4 та; 9. Ҳусайнин (Дугоҳдан); 10. Супориш каби тартибда – жами 18 куйдан иборат ҳолда берилган. Уфор қисмида эса: 1. Уфор; 2. Супориш куйлари мавжуд. Умуман, бутун мақом 28 куйдан иборат таркибда берилган. “Дугоҳ” – “Шашмақом”нинг тўртинчи мақоми, унда уфор қисми йўқ, асосан, мушкилот ва наср қисмлари мавжуд: Мушкилот қисми 10 куйдан иборат ҳолда куйидаги тартибда берилган: 1. Тасниф; 2. Таржеъ; 3. Гардун;

4. Пешрав; 5. Самойи; 6. Мухаммаси дугоҳ; 7. Мухаммаси чоргоҳ; 8. Мухаммаси Ҳожихўжа; 9. Мухаммаси чорсархона; 10. Сақили Ашкулло. Наср қисми эса қўйидагича: 1. Сарахбор; 2. Тароналари: I, II, III, IV, V, VI, VII, VIII – жами 8 та; 3. Талқинли чоргоҳ; 4. Таронаси; 5. Насри чоргоҳ; 6. Таронаси: I, II, III, IV, V – жами 5 та; 7. Ораз; 8. Тароналари: I, II, III, IV – жами 4 та; 9. Ҳусайний; 10. Тароналари: I, II – жами 2 та. Бу қисм 21 кўйдан таркиб топган. Бутун мақом эса 35 кўйни ўз ичига олади. “Сегоҳ” – “Шашмақом”нинг бешинчи мақоми. У ҳам мушкилот ва наср қисмларидан иборат. Мушкилот қисмида 8 та куй мавжуд: 1. Тасниф; 2. Таржеъ; 3. Ҳафиғ; 4. Гардун; 5. Мухаммаси сегоҳ; 6. Мухаммаси Ажам; 7. Мухаммаси Мирзо Ҳаким; 8. Сақили бастаи Ниғор. Наср қисми эса: 1. Сарахбор; 2. Тароналари: I, II, III, IV, V, VI, VII – жами 7 та; 3. Талқини сегоҳ; 4. Таронаси; 5. Насри сегоҳ; 6. Хоро; 7. Тароналари: I, II, III, IV, V – жами 5 та; 8. Ажам; 9. Тароналари: I, II – жами 2 та; 10. Супориш каби 21 кўйдан иборат. Бутун мақом 29 кўйдан ташкил топган. Ниҳоят, “Ироқ” – “Шашмақом”нинг охирги яқунловчи олтинчи мақомдир. Бу мақом мушкилот, наср ва уфор каби уч қисмдан таркиб топган. Мушкилот қисмида “Гардун” шўъбаси йўқ эса-да, қўйидаги 8 кўйни ўз ичига олади: 1. Тасниф; 2. Таржеъ (Қобуз); 3. Чамбар (Сурнай); 4. Фарфар (Сурнай); 5. Мухаммас; 6. Ироқ сақил; 7. Ярим сақил; 8. Катта сақил (Сақили калон). Наср қисми эса: 1. Сарахбор; 2. Тароналари: I, II, III, IV, V, VI – жами 6 та; 3. Муҳайяр; 4. Тароналари: I, II, III, IV – жами 4 та; 5. Супориш каби 13 кўйдан ташкил топган. Учинчи қисми: 1. Уфор; 2. Супориш каби 2 кўйдан иборат. Умумман, якуний мақом 23 кўйдан таркиб топган. В.А.Успеский илк бор нотага кўчиришга муваффақ бўлган.

ХУЛОСА

Хуллас, А.Фитрат ва Ф.Хўжаевлар ташаббуси ҳамда В.Успенский ғайрати билан амалга оширилган бу хайрли нашр Бухоро “Шашмақом”ини нотага кўчиришдаги дастлабки қадам бўлиб, миллий мусиқа маданиятишимиз тарихида муҳим ҳодиса эди. А.Фитратнинг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи”, “Ўзбек мусиқаси тўғрисида”; В.А.Успенскийнинг “Классическая музыка узбеков” (Ўзбекларнинг мумтоз мусиқаси”, 1927) ва В.М.Беляевнинг “Бухоро мусиқа мактаби ҳақида” (О бухарской музыкальной школе”, 1930) сингари тадқиқотларининг юзага келишига туртки бўлди. Бу асарлар, ўз навбатида, наинки ўзбек, балки замонавий тожик мақомшунослигининг ҳам қарор топиши, шаклланиши ва тараққий этишига тамал тошини қўйди.

REFERENCES

1. Ҳайитов Ш.А Бадриддинов С. Рахмонов К.Ж. Бухоро Ҳалқ Совет Республикаси: иқтисодиёти, ижтимоий сиёсат, маданий ҳаёт. Бухоро: “Бухоро” нашриёти, 2005. Б.75-80.
2. Ўзбекистон миллий архиви 56- фонд, 1-руйхат, 10-иш, 20 - вараклар.
3. Сафаров О. Шашмақом Ватани оҳанглари. Тошкент Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти. 2009. Б. 9-15.